

МАФКУРАВИЙ ТАРБИЯ АСОСИДА ФУҚАРОЛАР МАДАНИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Баҳодир ЙЎЛДАШЕВ

*Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Ҳарбий
тайёргарлик ўқув марказининг муҳандис-санёр қўшинлари, кимёвий
ҳимоя ва топогеодезик таъминоти цикли ўқитувчиси.*

yuldashevbakhodir66@gmail.com

тел: 94-622-59-67

Мирҳамид ФАЙЗИЙЕВ,

*Ўзбекистон Миллий университети ҳарбий тайёргарлик ўқув
маркази бошлигининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари,*

тел: 98-070-72-20

Аннотация: мақолада мафкуравий тарбия асосида фуқаролар маданиятини ривожлантириш истиқболлари ёритиб берилган. Фуқароларнинг фаол ҳаракати ҳар бир жамият тараққиётини таъминловчи куч ҳисобланади. Зеро, фуқаро бўлмаса жамият бўлмаганидек, унинг фаол ҳаракатсиз тараққиётнинг бўлиши ҳам мумкин эмас. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, жамиятда фуқаролар учун нисбатан хусусий йўналишлар ичида барчанинг бирдек англаши, билиши ва фаолият юритиши лозим бўлган йўналиш ҳам борки, бу йўналиш жамиятнинг сиёсий йўналишидир.

Калит сўзлар: фуқаро, маданият, жамият, фаолият, ахборот хуружи реал бўлган ҳозирги шароитда, ОАВ ёрдами билан муттасил.

ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ КУЛЬТУРЫ ГРАЖДАН НА ОСНОВЕ ИДЕОЛОГИЧЕСКОГО ОБРАЗОВАНИЯ

Аннотация: В статье описываются перспективы развития гражданской культуры на основе идеологического воспитания. Активное движение граждан является силой, обеспечивающей развитие каждого общества. Ведь как не бывает общества без граждан, так и развитие невозможно без его активной деятельности. Здесь следует отметить, что среди относительно частных направлений для граждан в обществе есть также направление, которое все должны понимать, знать и действовать одинаково, и это направление является политическим направлением общества.

Ключевые слова: граждане, культура, общество, деятельность, в современных условиях, когда информационная атака реальна, непрерывна с помощью средств массовой информации.

PROSPECTS FOR THE DEVELOPMENT OF CULTURE OF CITIZENS BASED ON IDEOLOGICAL EDUCATION

Abstract: The article describes the prospects for the development of civic culture based on ideological education. An active citizen movement is a force that ensures the development of every society. After all, just as there is no society without citizens, development is impossible without their active activity. It should be noted here that among the relatively private directions for citizens in society, there is also a direction that everyone should understand, know and act in the same way, and this direction is the political direction of society.

Key words: citizens, culture, society, activity, in modern conditions, when the information attack is real, continuous with the help of the media.

Кириш. Фуқароларнинг фаол ҳаракати ҳар бир жамият тараққиётини таъминловчи куч ҳисобланади. Зеро, фуқаро бўлмаса жамият бўлмаганидек, унинг фаол ҳаракатисиз тараққиётнинг бўлиши ҳам мумкин эмас.

Жамиятнинг бир бўлаги бўлган фуқаронинг жамиятни ривожлантириш борасидаги фаолияти ранг-баранг бўлиб, улар амалиётда илмий, сиёсий, иқтисодий, диний, бадий ва бошқа йўналишларга бўлинади. Фуқаролар фаолиятида ушбу йўналишлар нисбатан хусусийлик касб этади, яъни ҳар бир фуқаро ўз қизиқиши, интилиши ва қобилиятидан келиб чиққан ҳолда бу йўналишлардаги соҳаларнинг бири билан шуғулланади.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, жамиятда фуқаролар учун нисбатан хусусий йўналишлар ичида барчанинг бирдек англаши, билиши ва фаолият юритиши лозим бўлган йўналиш ҳам борки, бу йўналиш жамиятнинг сиёсий йўналишидир.

Сиёсий йўналишдаги фаолиятнинг барча учун дахлдорлиги давлат бошқарувида бевосита кўпчиликнинг иштирокини таъминловчи ҳамда жамиятда демократиянинг асосий белгиларидан бири бўлган озчиликни кўпчиликка бўйсунлиги тамойилини қарор топтирувчи асосий омил ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳозирда кучли давлат негизда кучли фуқаролик жамиятини барпо этишга интилмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев “бу йўл – эркин, демократик, инсонпарвар давлат қуриш, фуқаролик жамиятини шакллантириш, Ватанимиз иқтисодий қудратини юксалтириш ва янада равнақ топтиришнинг мустаҳкам замини” дея таъкидлайди.

Ижтимоий-сиёсий ҳаётда улкан ислоҳотларни бошлаган, янги ривожланиш йўлидан бораётган ҳар бир давлат ва жамият ислоҳотларнинг муваффақиятини таъминлашда фуқаролар сиёсий фаоллигининг олий даражаси бўлган сиёсий

маданиятга катта эҳтиёж сезади. Ўзбекистон ҳам ҳозирда улкан ислоҳотларни амалга ошираётган ва айни вақтда унинг

муваффақиятини таъминлашда фуқаролардаги сиёсий маданиятга катта эҳтиёж сезаётган давлатдир.

Тарихнинг барча даврларда жамиятда бирор-бир янгилик - ислоҳотни амалга ошириш мушкул иш бўлган. Чунки, ҳар бир жамиятда онгли равишда тушуниб янгиликни қабул қилувчи ва уни қўллаб-қувватловчи кишилар қаторида ислоҳотлар заруриятини тушунмайдиган, консерватив кишилар тоифаси ҳам мавжуд бўлганки, бундай кучлар ўзларининг лоқайдликлари, тушунмасликлари ҳамда сиёсий томондан билимсизликлари туфайли доимо жамият тараққиётига тўсиқ бўлиб келган. Мазкур кучлар жамият тараққиётига тўғоноқ бўлишда тарихан ташқи кучлар билан тез тил топишган, уларнинг манфаати учун жамият манфаатларини топтаган.

Муҳтарам Президентимиз ўзининг кўпгина чиқишларида ҳозирги дунё миқёсида ақл-заковат ва фикр мусобақаси кетаётган шиддатли бир даврда фақат мустақил фикрига эга бўлган, ўзининг кимлиги, қандай буюк зотларнинг авлоди эканини чуқур англаб етган, ён-атрофидаги воқеаларга дахлдорлик туйғуси билан яшайдиган ҳар томонлама билимли ва баркамол ёшларгина ўз халқи ва Ватани шухратини дунёга ёйишга қодир бўлиши ҳақида доимо таъкидлайди. Чиндан ҳам, бугунги даврда мафкуравий иммунитетнинг асосий мезони бўлган юксак тафаккур ва маънавият ҳар қандай ютуқ ва ғалабанинг асосий шarti ва гаровига айланиб бормоқда. Ҳозирги юқори замонавий технологиялар замонида эса берилган топшириқларни техника воситалари ҳам қойилмақом қилиб бажариши мумкин.

Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 28 декабр куни Олий Мажлисга йўллаган мурожаатномасида қайд этилганидек, «...миллий ўзлигимизни англаш, ватанимизнинг қадимий ва бой тарихини ўрганиш, уни турли мафкуравий қарашлардан холи баҳолаш, бу борада илмий-тадқиқот ишларини кучайтириш олдимизга қўйган улкан вазифаларни амалга оширишда биз учун куч-қудрат манбаи бўладиган миллий ғояни ривожлантиришимиз зарур» [3].

Тарихий тараққиёт жараёнида шаклланиб, сайқалланиб келган миллий ғоямизнинг туб негизлари бўлган ҳаётий мисолларга эътибор берайлик. Юртимиз заминида яшаб ўтган жасур аёл – Тўмарис қудратли душманнинг ҳийла-найранглари олдида ўзини йўқотиб қўймасдан, адолат учун жангга кирган. Шу тариқа лашкарининг сони жиҳатдан ўзидан анча устун бўлган ёвнинг устидан ғалаба қозонди. Қўлида на қурол, ёнида на лашкари бўлган оддий чўпон Широқнинг жасоратини олайлик. У ўзининг ёв қўлида ўлишини олдиндан билган бўлса-да, муқаддас Ватан тупроғи душман оёқлари остида топталмаслиги

учун онгли равишда жасоратга қўл уради – ёв қўшинини кимсасиз дашти биёбонга олиб бориб, уни ўлимга маҳкум этади, ўзи ҳам ҳалок бўлади. Лекин она юртини босқинчилардан сақлаб қолади. Келгуси авлодлар учун маънавий ибрат бўладиган тенгсиз жасорат намунасини мерос қилиб қолдиради. Буюк ватандошимиз – Жалолиддин Мангуберди дунёнинг тенг ярмини ўзига бўйсундирган, аскарлари билан ер юзини мўри малахдек босган мўғул қўшинига қарши 12 йил давомида муттасил кураш олиб борган. Ҳолбуки, Жалолиддин Мангубердининг имкониятлари Чингизхонниқига нисбатан жуда чекланган бўлган – унинг ихтиёрида оз сонли лашкар ва қурол-яроғ бўлган. Шунга қарамай, у қудратли ёвга қарши мардона жанг қилган. Соҳибқирон бобомиз Амир Темурнинг мўғуллар истилоси остида ётган Турон заминни озод қилиб, бу ерда улкан салтанат барпо этганини эсга олайлик. Албатта, улуғ аждодимизга халқни душманга қарши оёққа турғизиш, унинг ҳақ-хуқуқини таъминлаш осон бўлмаган. Бунинг учун босқинчиларга қарши тинимсиз кураш олиб бориш, ўз ҳаётини жиддий хавф-хатарларга қўйишга тўғри келган.

Ватан туйғуси, Ватан ҳисси шу қадар муқаддас бўлгани учун бизнинг миллий ғоямизнинг асосий тушунчаларидан бири Ватан тараққиёти деб номланади. Бу эса ватанпарварлик ҳеч қачон эскирмаслиги ва кун тартибидан тушмаслиги, ҳамма замонларда ҳам долзарбдир.

Айниқса, озод ва обод Ватанда ўсиб-улғайётган, қалби пок ҳис-туйғулар билан тўлган ёшларнинг орзулари бир олам. Ана шу орзуларнинг енг улуғи ота-онага, эл-юртига Президентига беминнат хизмат қилиш, уларнинг олдидаги фарзандлик бурчини сидқидилдан адо этишдир. Бу орзуга эришиш учун инсон болалиқдан бошлаб ўз олдига аниқ мақсад қўйиб, зарур билим, кўникма ва ҳунарларни эгаллаши, ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом ва бақувват бўлиши лозим.

Таъкидлаш лозимки, бугунги кунда глобаллашув таъсирида дунёни яхлит макон эканлиги, ундаги муаммолар бутун инсониятни муаммоси эканлиги ҳамда жаҳон халқлари манфаатларининг муштараклиги тобора равшан бўлиб бормоқда. Лекин, айни вақтда ўз манфаати ва ўз муаммосидан бошқани тан олмайдиган кучлар ҳам борки, улар ўзларининг ғаразли ниятлари йўлида ҳозирги фан-техника ютуқларидан усталик билан фойдаланиб, бошқалар манфаатини топтамоқда. Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислам Каримов томонидан бу кучларни мафкуравий полигонлар - дея аталганлиги, уларнинг “ядро полигонларидан ҳам катта кучга эга эканлиги” бот-бот таъкидланганлиги ўз вақтида бу кучларга берилган объектив баҳодир.

Мафкуравий полигонлар янги асримиздаги мустамлакачи кучларнинг янгича кураш услубидир. Тарихан империалистик давлатларнинг ҳарбий кучлари орқали амалга оширилган янги ҳудудларни босиб олиш ва унга эгалик

қилиш сиёсати ҳозирда ҳеч қандай ҳарбий кучларсиз мафкуравий полигонлар орқали амалга оширилмоқда. Ҳақиқатдан ҳам, ҳозирда мафкуравий полигонлар томонидан ҳар томонлама пухта ишлаб чиқилган лойиҳалар, дастурлар, барча соҳани қамраб олган халқаро нодавлат, нотижорат ташкилотлари ҳамда кучли таъсирга эга бўлган ОАВ ёрдами билан муттасил, изчил олиб борилаётган ҳаракатлар натижасида дунёнинг хоҳлаган нуқтасидаги суверен давлатларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаёти издан чиқарилмоқда. Анархизмни келтириб чиқарган кучлар эса, мавжуд бошбошдоқликдан фойдаланиб, мазкур давлатларда ўз мавқеларини янада мустаҳкамлашга уринмоқдалар. Мафкуравий полигонлар таъсирида вужудга келган бундай ҳаракатларга мисол сифатида дастлаб Гурузия ва Украинада, сўнгра Қирғизистонда бирин-кетин рўй берган “рангли инқилоб”ларни, 2011 йилда бошланган “Араб баҳори”ни келтириш мумкин.

Россиялик тадқиқотчи Н.А.Комлева: “Араб баҳори”, деб 2011 йил баҳорида Шимолий Африка ва Яқин шарқ мамлакатларида тез шиддатларда юз берган сиёсий ўзгаришлар йиғиндисида айтиш мумкин”, деган фикрни билдиради. Тадқиқотчи, М.Муҳаммадсидиқов Н.А.Комлеванинг фикрини давом эттирган ҳолда “Араб баҳори” мазкур мамлакатлардаги ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги мураккаб ички вазиятга нисбатан норозилик ҳаракати эди, лекин бу ҳодисаларни амалга ошишида, албатта, ташқи таъсирларнинг ҳам роли катта бўлган”, дея тасдиқлайди.

Таклиф ва хулосалар. Юқоридаги тадқиқотчиларнинг фикрига қўшилган ҳолда айтиш керакки, ҳозирда мафкуравий полигонлар дунё давлатларининг барчасига таъсир этишга уринмоқда. Лекин мазкур таъсир аксарият ҳолларда, янги асрдаги ахборот хуружига тайёр бўлмаган, фуқароларида етарлича сиёсий маданият ва мафкуравий иммунитет шаклланмаган давлатлар ҳаётида оғир оқибатларни келтириб чиқармоқда. Шунинг учун ҳам ҳозирги шароит тақозосига кўра Ўзбекистон фуқароларида сиёсий маданият ва мафкуравий иммунитетни шакллантириш масаласи ўта долзарблашиб бормоқда.

Маълумки, кишиларнинг сиёсий фаоллигини ошишида жамиятда тарқалаётган ахборотларнинг роли бекиёс. Ахборот таъсирида кишилардаги сиёсий фаолият “оломон ҳаракати” кўринишида ҳам ёки соғлом сиёсий эътиқод негизидаги сиёсий маданият кўринишида ҳам вужудга келиши мумкин. Ахборот хуружи таъсирида вужудга келадиган, кишиларнинг сиёсий ҳиссиётига асосланувчи “оломон ҳаракати”, албатта, ҳар бир давлатда кўнгилсиз оқибатларни келтириб чиқариши табиий. Шунинг учун ҳам тарихдаги аксарият давлатлар ўз сиёсатларида ахборотнинг бу ёвуз кучига асосий эътиборни қаратиб келган. Масалан, собиқ СССР мафкуравий курашда рақибларининг ахборот хуружидан химояланиш учун мамлакатни дунё ахборот манбаидан изоляциялаш сиёсатини олиб борган. Таъкидлаш лозимки, ҳозирда

бундай йўл жаҳон давлатлари томонидан ҳам, Ўзбекистон томонидан ҳам қораланган. Чунки, мамлакатни дунё ахборот манбаидан изоляциялаш сиёсати ўта хато сиёсат бўлиб, жамиятни жаҳондан узилиб қолишига, мамлакатни турғунлашувига ҳамда инсон ҳуқуқларини поймол этилишига олиб келувчи йўллиги маълумдир.

Ахборот хуружи реал бўлган ҳозирги шароитда биз, фуқароларнинг ахборот олиш ва уни тарқатиш борасидаги конституциявий ҳуқуқини таъминлаган ҳолда, миллий менталитетимизга мос равишда уларнинг онгида мавжуд ахборотларни саралай оладиган шахсий “фильтр”ни шакллантиришимиз зарурдир.

Кишилар онгида шахсий “фильтр”ни ёки Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислам Каримов таъбири билан айтганда, мафкуравий иммунитетнинг шаклланиши жамиятимизда рационалликка асосланган, ватанпарварлик, миллатпарварлик, байналминаллик ҳамда юрт тинчлиги каби меъёр ва мезонларга эга бўлган сиёсий маданиятни вужудга келишини таъминловчи асосий омил ҳисобланади.

Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш – ёшларда Ватанга садоқат туйғусини шакллантириш, уларни ўз фуқаролик бурчи ва конституцион мажбуриятларини бажаришга, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилишга қодир шахслар этиб тарбиялашга йўналтирилган фаолиятдир. Унинг натижасида ёшлар Ўзбекистон деган номни эшитганда, Ватан байроғи баланд кўтарилганда қувонч, ифтихор туйғусини туйиши лозим. Ватанга бўлган муҳаббат ҳисси уларнинг қалбида жўш уриши керак. Она-Ватанимизни кўз қорачиғидек асраш, унинг шухратини дунёга тараннум этиш, ўсиб келаётган авлоднинг ҳаётий ва профессионал кўникмаларни илм-маърифат асосида юксалтириш ҳар бир устоз-мураббийнинг бурчидир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз.–Тошкент:Ўзбекистон, 2016. –8-б.
2. Миллий ғоя ва раҳбар маъсулияти. –Тошкент: Ғофур Ғулом, 2007. – 533-б.
3. Комлева Н.А. Арабская весна: геополитический аспект // [Электронный ресурс]-Режим доступа-URL:http://www.philos.lv/Citu_raksti/Arabskaja.html (дата обращения: 14.03.2014)
4. Муҳаммадсидиқов М. Африка давлатларида диннинг сиёсийлашуви ва унинг сиёсий жараёнларга таъсири. Сиёсий. фан. док. ... дис. автореф.–Тошкент:2018. –30-б.